

Баҳоси 70 т.

10 103
3

Ак от
3008

На узбекском языке

АКАДЕМИЯ НАУК СССР—УЗБЕКИСТАНСКИЙ ФИЛИАЛ
ИНСТИТУТ ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ИСТОРИИ

Библиотечка бойца

БАТЫРИ

ИЗДАТЕЛЬСТВО УЗФАН—ТАШКЕНТ—1942

52-53г.

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ
ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЖАНГЧИЛАР КУТУБХОНАСИ

БОТИРЛАР

(Эртақлар тўплами)

ЎзФАН НАШРИЁТИ — ТОШКЕНТ — 1942



СЎЗБОШИ

Одамхўр, йиртқич немис босқинчиларига қарши олиб борилаётган Улуғ Ватан уруши даврида минглаб совет қаҳрамонлари майдонга келмоқда.

Москва бўсағасида 50 танкка қарши курашган 28 қаҳрамон, ўз гавдаси билан душман тўпининг оғзини қоплаган Сосновский, бир жангда 72 немис босқинчисини ўлдирган Исрофил Мамедов, бир ўзи ёв қал'асини ишғол қилган Қўчқор Турдиев каби ажойиб қаҳрамонларнинг шуҳрати бутун дун'ёга тарқалмоқдадир. Уларнинг номларини совет халқи катта ҳурмат, зўр муҳаббат билан тилга олади. Улуғ совет халқи уларнинг номларини ўз юракларининг энг тереги ерларида сақлайди, уларни ҳечқачон унутмайди. Чунки халқ ўз қаҳрамонларини севади, халқ асрлардан бери ўз қаҳрамонларини севиб келган, уларни кўкка кўтариб мақтаган, улар ҳақида ўлмас қўшиқлар, ажойиб дostonлар, мароқли эртаклар яратган ва яратмоқда.

Бу қўлингиздаги эртакларда ҳам ўзларининг ажойиб қаҳрамонликлари билан шуҳрат қозонган ботирлар куйланади, уларнинг қаҳрамонликлари, қўрқмасликлари, ҳар-

қандай қийинчилиқни еңгиб ўтишга тайёр эканлиқлари, донишманд, зеҳнлик эканлиқлари мароқ блан сўзланади.

Бу тўпламга кирган эртаклар Тил, адабиёт ва тарих институтининг фольклор бўлимида тўпланган материаллардан олиниб, ўртоқ Уйғун томонидан нашрга тайёрланди.

Институт.

ҚАҲРАМОН

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қоқимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, тошвақа тарозидор экан, қурвақа ундан қарздор экан.

Қадим замонларнинг бирида ажойиб бир шаҳар бор эди. Бу шаҳар жуда тинч эди. Унга ҳечқанақа ёв ёки дев тегалмас эди. Шунинг учун бу шаҳарни „Тинч шаҳар“ дер эдилар. Тинч шаҳарнинг халқи роҳат ва фароғатда яшар эди. Бу шаҳарни Тинч шоҳ деган бир шоҳ сўрар эди. Тинч шоҳ одил ва фуқаропарвар эди. Шаҳарини ёвдан қўриқлаш учун ҳисобсиз лашкар, ададсиз паҳлавонлар сақлар эди. Тинч шоҳнинг паҳлавонлари орасида Қаҳрамон деган бир паҳлавоннинг донги оламга тарқалди. Қаҳрамон паҳлавонлар ичида энг кичиги ҳам энг ботири ва кучлиси эди.

Тинч шаҳарга битта-яримта ёв ҳужум қилиб келса, Қаҳрамоннинг бир ҳамласи блан тумтарақай бўлиб кетар эди. Шунинг учун шаҳар халқи Қаҳрамонни жуда яхши кўрар эди.

Кунлардан бир куни Тинч шоҳнинг олдига „Сурх“ деган шаҳарнинг шоҳи Забун шоҳдан чопар келди. Чопар та'зим блан ўз шоҳидан келтирган номани Тинч шоҳга узатди. Тинч шоҳ номани муншига берди. Мунши номани очиб қироат блан ўқиди: „Менким, Сурх шаҳрининг шоҳи, Забун шоҳ, сиз улуғ мартабали Тинч шоҳга нома

ёзиб малум қиламанки, менинг шахримда уч кундирки, номалум бир дев пайдо бўлиб, бутун полвонларимни қириб ташлади. Энди тинч халқни қираётипти: Сиз карамли Тинч шоҳ ўз забардаст паҳлавонларингиздан юбориб мени ва халқимни бу балодан қутқарсангиз, деб нома ёзиб илтимос қилғучи Сурх шоҳи Забун шоҳ“.

Тинч шоҳ вазирларни, лашкарбошиларни ва отоқли полвонларни маслаҳат учун саройига чақирди. Ҳамма йиғилди. Тинч шоҳ номани ҳаммага эшиттирди. Кейин, паҳлавонларига қараб: „Забун шоҳга бориб ёрдам беришга ким талабгор?“ деб сўради. Паҳлавонлардан сра садо чиқмади. Тинч шоҳ яна қайтариб сўради. Яна ҳечким индамади. Подшоҳ ғазаб блан учинчи марта сўради. Шунда Қаҳрамон ўрнидан ирғиб туриб та'зим блан жавоб берди: „Шоҳим, аввали икки мартаба сўраганингизда бу ерда ўтиришган мендан ёши улуг полвонлар жавоб берармикан деб, одоб юзасидан жим турдим, аммо ҳечкимнинг демади, учинчи мартаба сўраганингизда ғайратимга чидалмай ўрнимдан турдим. Агар лойиқ топсангиз менга ижозат беринг, бориб номалум дев блан олишиб, ўз кучимни ва толиимни бир синаб кўрсам“.

Тинч шоҳ Қаҳрамоннинг ғайратига ва юрагига қойил қолиб, ижозат берди.

Қаҳрамон саройдан чиқиб, сафар жобдуқларини ҳозирлашга киришди. Аслаҳа-яроғларини қирқ каркидонга ортди. Ўзи катта бир каркидонга миниб, Сурх шаҳри қайдасан, деб йўлга равона бўлди.

Қаҳрамон кечаю-кундуз йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, чўлма-чўл, тоғма-тоғ юрди. Ахир бир баланд тоққа келиб етди. Дам олай, деб каркидонидан тушди. Уёқ-буёқни тамошо қилди. Бир вақт бир ғорга рўпара келиб қолди. Қараса, ғорнинг ичига узун йўл тушиб кетган эмиш. Қаҳрамон ҳайрон бўлди, „бу қанақа ер бўлса экан“, деб ўйлаб қолди. Кейин, „ҳа, майли, нима бўлса бўлар, таваккал“, деб ғорнинг ичига кириб кетди. Бир маҳал қараса, рўпарасида бир темир-дарвоза турипти. Дарвозанинг

ўртасига Қаҳрамоннинг номи ёзилган. Қаҳрамон яна ҳайрон бўлди. Зўр блан темир дарвозани очиб, ичкарига кирди. Қараса, ичкарида бўйинларига жуда баҳайбат занжирлар осилган ўн икки дев ётган эмиш.

„Сизларни ким банди қилди“, деб Қаҳрамон девлардан сўради. Девларнинг ичида Сангги дев деган бир барваста дев бор эди. Ҳамма девларнинг ичида энг зўри ўша дев эди. Сангги дев:—„Бизни сенинг бобонг Саквон деган одамзод банд этиб, тилсим қилиб кетган“, деб жавоб берди.

Қаҳрамон Сангги девдан бу сўзларни эшитиб, девларнинг бўйнидан бандларини узиб ташлади. Уларни озод қилди. Девлар хурсанд бўлишиб, Қаҳрамондан „қаёққа кетаяпсан“, деб сўрадилар. Қаҳрамон Сурх шаҳрига номалум дев блан олишишга кетаётганини айтди. Сангги дев Қаҳрамонга қараб деди: „Сен бизни банддан озод қилдинг. Энди биз доим сенинг хизматингда бўламиз. Биз ҳам сен блан бирга Сурх шаҳрига борамиз. У шаҳарни вайрон қилиб ётган номалум девни йўқ қилишга ёрдамлашамиз“.

Қаҳрамон уларни ёнига олиб, ҳайё-ҳайт деб йўлга равона бўлди.

Қаҳрамон йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Ахир Сурх шаҳрига яқинлашди. Шаҳарга қулоқ солиб қараса, шаҳардан дод-фар'ёд кўтарилиб, кўкка етаётипти. Қаҳрамон ёнидаги девларга деди: „Ҳар биттанг шаҳарнинг ҳар томонидан на'ра тортиб кирасан, номалум дев кимнинг қўлига тушса, ўлдирмасдан, банд қилиб, Забун шоҳга олиб бориб топширсин“.

Девлар ўн икки томондан ҳужум қилиб, на'ра тортиб шаҳарга кирдилар. Қаҳрамон бўлса шаҳарнинг катта темир дарвозасини даст кўтариб иргитиб ташлаб, на'ра тортиб, ҳайқириб шаҳар ичига кирабошлади.

Номалум дев бу на'раларни эшитиб, дарҳол девларнинг олдига етиб келди. Улар блан ҳарб-зарб қилабошлади. Узоқ олишгандан кейин ахири ўн бир девни ярадор

қилди. Яралазмаган ёлғиз Сангги дев қолди. Номалум дев Сангги дев блан ҳарб бошлади. Иккаласи олишиб турганда Қаҳрамон етиб келди. Номалум дев Қаҳрамоннинг овозини эшитиб, Сангги дев блан олишишни қўйиб, Қаҳрамонга ҳамла қилакетди. Иккаласи гурзибозлик қилишди.

Жанг ажрим бўлмади. Кейин найзабозлик қилишди. Яна жанг бир ёқли бўлмади. Шу қолипда етти кечаю-етти кундуз дам олмай ҳарбу-зарб қилишиб, охири гал қиличбозликка келди. Қиличбозлик қилиша-қилиша, охири Қаҳрамоннинг қиличи номалум девнинг ўнг синчалогини узиб туширди. Номалум дев Қаҳрамондан соғ қутулмаслигига кўзи етиб, афсуслан дарров кўздан гойиб бўлиб, қочиб кетди.

Қаҳрамон ўз рақибининг бирдан гойиб бўлганини кўриб жуда ҳайрон бўлди. Кейин, Сангги девга: „Тездан ёнингга ўн бир девни олиб, номалум девни қаерда бўлса ҳам тутиб келтир. Мен Забун шоҳ саройида бўламан“ деб буйруқ қилди. Ўзи Забун шоҳ саройига қараб жўнади. Сангги дев бўлса, ёнига ўн бир девни олиб, номалум девни ахтариб кетди.

Номалум девнинг овози ўчканини ва Қаҳрамоннинг ўз саройига келаётганини билган Забун шоҳ карнай-сурнай чолдириб Қаҳрамонни тантана блан кутиб олди. Кейин Қаҳрамоннинг шарафига етти кечаю-етти кундуз эл-юртга тўй берди.

Булар шу ерда тўй қилиб туратурсин, икки оғиз сўз Сангги девдан эшитинг.

Сангги дев ўз шериклари блан номалум девни астейидил қидирди. Улар бормаган ер, улар қадам қўймаган манзил қолмади. Шаҳар ичини ахтардилар — йўқ, шаҳар атрофини қидирдилар — йўқ, тоғларни ахтардилар — йўқ, ғорларни айландилар — йўқ, дар'ёларнинг тагига тушиб қидирдилар — йўқ, кўкка чиқиб ахтардилар — йўқ. Сангги дев ўн бир кечаю-ўн бир кундуз номалум девни ахтариб, кўкдан ҳам, ердан ҳам, сувдан ҳам, тоғдан ҳам тополма-

ди. Охири ноилож бўлиб, Қаҳрамоннинг олдига келди: „Номалум девни тополмадик“, деди.

Қаҳрамон бу хабарни эшитиб хафа бўлди. Кейин Забун шоҳдан сўради: „Бу дома-дараксиз бўлиб кетган дев қанақа дев эди, нима учун у сизнинг шаҳрингизни вайрон қилди, воқияни айтиб берсангиз“.

Забун шоҳ деди: „Бу девнинг номи Аквон. У жуда забардаст, маккор ва золим бир дев. У кунлардан бир кунни менга ўзининг совчиларини юбориб, мендан илтимос қилди: қизи Малика Зубайда Зулфиқорани менга берсин, илтимосимга унаса—унагани, унамаса халқини қираман, шаҳрини вайрон қиламан, ўзини ўлдираман, қизини асир оламан, депти. Мен: Аквон дев одамзод эмас, шунинг учун қизим Зубайда Зулфиқорани унга бермайман, деб жавоб бериб, совчиларни жўнатиб юбордим. Шундан кейин Аквоннинг ғазаби келиб шаҳримга юриш қилди“.

Қаҳрамон бу сўзларни эшитиб ҳайрон бўлди: „Шаҳрингизга ҳужум қилган Аквон дев экан, нега бўлмаса бизга юборган хатингизда унинг номини яшириб, номалум дев деб ёздингиз“, деб сўради.

Забун шоҳ: „Бундай қилганимга сабаб шулким, агар Аквон девнинг номини ёзсам, уни эшитган полвонлар қўриқиб, менга ёрдам беришга келмайди, деб ўйладим... Шунинг учун унинг номини сир сақлаб, номалум дев, деб ёздим“, деб жавоб берди. Кейин Забун шоҳ: „Бизни ўлимдан қутқардинг, сендан жуда миннатдормиз, баракалла“, деб Қаҳрамонга миннатдорлик билдирди.

Шундан кейин Забун шоҳ Қаҳрамоннинг шарафига қирқ кечаю-қирқ кундуз карнай-сурнай чолдириб, юртга тамошо қилиб берди.

Тўйдан кейин Қаҳрамон Забун шоҳга: „Мени жуда сийладингиз. Мени деб қирқ кечаю-кундузлаб юртга тўй бердингиз, мен жуда хурсандман, аммо ўз юртимни соғиндим, агар иложи бўлса рухсат берсангиз, энди ўз шаҳримга кетсам“, деди.

Забун шоҳ Қаҳрамондан: „Яна бирнеча кун қол“, деб

сўради, аммо Қаҳрамон унамади. Охири поилож жавоб берди. Ҳамда беҳисоб сарпою-ҳад'ялар, иззату-икромлар билан Қаҳрамонни ўз юртига жўнатди. Қаҳрамон ҳад'яларини каркидонларига ортиб, каркидонига миниб, кечаси салқинда Сурх шаҳридан чиқиб, Тинч шаҳар қайдасан, деб йўлга равона бўлди.

Бир вақт Қаҳрамон шаҳардан чиқиб, тоғнинг этагига етган ҳам эдики, орқасидан „тўхта, Қаҳрамон“, деган овоз эшитилди. Қаҳрамон каркидонини тўхтатиб, орқасига қайрилиб қараса, ниқобдор бир одам келаётган эмиш. Қаҳрамон уни кўриб, яна бирор душман бўмасин, деб қиличини филофидан суғуриб, жангга ҳозирланиб турди. Бир вақт ниқобдор Қаҳрамоннинг олдига етиб келиб, юзидан ниқобини олди. Шу замонёқ кеча кундузга айланиб кетди. Қаҳрамон қараса, қаршисида моҳ тал'ат ажойиб бир йигит турипти. Қаҳрамон ёш йигитнинг ҳуснига қойил қолиб сўради: „Гўзал йигит, кимсан? Нима учун мени хилватгоҳда тўхтатдинг? Менда нима ишинг бор?“

Ниқобдор бошидан чақмоқи бўркини олди, қирқ кокили орқасига сочилиб тушди. Буни кўриб, Қаҳрамон эси-ҳушидан ажралаёзди. Ниқобдор: „Ўзингни йўқотма, Қаҳрамон. Мен Забун шоҳнинг қизи Зубайда Зулфиқораман. Саройдаги базм вақтида ўз кўшкимдан сани кўриб, муҳаббат ўқи кўкрагимга келиб тегди, сенинг ботирлигинг, сенинг мардлигинг, сенинг гўзаллигинг мени маст қилди. Мени ташлаб кетма, сендан ажралиб мен тириклик қилалмайман“, деб йиғлаб, Қаҳрамоннинг бўйнига ташланди. Қаҳрамон ҳам Зубайда Зулфиқорани бир кўришда ошиқ бўлиб қолди. Унга: „Мен ҳам сенга кўнгил қўйдим, энди сендан асло ажралмайман“, деди. Кейин иккаласи қўл ушлашиб атрофни, тоғларни тамошо қилдилар. Тонг ёришиб келаётганда Қаҳрамон Зубайда Зулфиқоранинг оқ билагидан ушлаб туриб: „Бўлмасам гап шу, мен шаҳримга борган замониёқ отангга совчи юбортираман, отанг рози бўлар, сўнг тўй қилиб муроду-мақсадимизга етамиз“, деди. Зулфиқора: „Бу сўзларинг тўғри, аммо, тўй куни яна Аквон

дев пайдо бўлиб, мени сендан жудо қилмаса деб қўрқаман. Душман тирик бўлса ҳаммавақт душманлик қилабери, душмандан қутулмоқ учун уни ўлдириш, йўқ қилиш керак. Шунинг учун сен аввал қаерда бўлмасин Аквон девни топиб ўлдир, кейин хотиржам тўй қилайлик“, деб жавоб берди. Зубайда Зулфиқоранинг бу жавоби Қаҳрамонга мақбул бўлди. У, Зулфиқорага: „Мен шу соатдан бошлаб Аквон девнинг пайига тушаман, етти қават ернинг тагига кириб кетса ҳам топаман, то унинг калласини олмагунча, сенинг ёнингга келмайман“, деди. Зулфиқора ҳам Қаҳрамонга: „Мен ҳам, то сен қайтиб келмаганингча куёвга чиқмайман“, деб ва’да қилди, кейин қўлидаги гавҳар кўзли олтин узугини суғуриб олиб, ёдгор, деб Қаҳрамоннинг қўлига тақиб қўйди.

Шундай қилиб, иккаласи маслаҳатни бир ерга қўйишиб, тонг блан шаҳарга қайтдилар. Зубайда Зулфиқора ўз кўшига кетди. Қаҳрамон бўлса Забун шоҳнинг саройига борди.

Забун шоҳ Қаҳрамоннинг қайтиб келганини кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетди. Аммо Қаҳрамон нима учун қайтиб келганининг сабабини Забун шоҳга билдириб: „Иложи бўлса жамии қур’ачиларингизни йиғдириб қур’а очдирсангиз, Аквон дев қаёққа қочганини менга билиб берсалар“, деди. Забун шоҳ дарров қур’ачиларни чақириб, қур’а очдирди. Қур’ачилар қур’ага қараб туриб, Аквон девнинг етти зулмат дар’ёсининг нари ёғидаги Кавс деган бир шаҳарга ўтиб кетганидан хабар бердилар.

Қаҳрамон қур’ачилардан: „Бу етти зулмат дар’ёсидан қандай қилиб ўтиб бўлади?“ деб сўради. Қур’ачилар: „Етти зулмат дар’ёсидан ўтишнинг ҳеч иложи йўқ, аммо семруғ қуш деган бир қуш бор, фақат ўшагина олиб ўтаолади. Лекин семруғни бу ишга ҳечким кўндираолмайди“, деб жавоб бердилар. Қаҳрамон: „Семруғнинг уяси қаерда?“ деб сўради. Қур’ачилар: „Шаҳарнинг чекасида 170 ёшга кирган бир мўйсафид бор. Ушандан бориб сўрасанг айтиб беради“, дедилар. Қаҳрамон саройдан чиқиб,

тўғри чолнинг олдига борди, ҳам унга муддаосини айтди. Чол Қаҳрамонга семруғнинг маскани қаерда эканини айтиб берди. Кейин: „Семруғ ҳар йили бола очади, аммо ҳар йили унинг болаларини бир аждар келиб еб кетади. Агарда сен ўша аждарни ўлдириб, семруғнинг болаларини ўлимдан қутқарсанг, семруғ ҳам сени етти зулматдан ўтказиб қўяди“, деди.

Қаҳрамон чолдан бу сўзларни эшитиб, яроғ-аслаҳаларини тақиб, семруғ уя солган манзилга қараб равона бўлди.

Қаҳрамон йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Охири катта бир тоққа келиб етди. Қарасаки, баландлигидан учи осмонга тегиб турипти. Бу тоғнинг энг баланд чўққисида бир катта қари чинор бўлиб, семруғнинг уяси ўша чинорнинг учида эди. Семруғнинг ўзи ҳаммавақт уясида бўлмас эди. У бир ой, бир ярим ой йўқ бўлиб кетиб, болаларига овқат йиғиб келар эди. Худди шундай, семруғ уйда бўлмаган вақтларда аждар унинг болаларини еб кетар эди.

Қаҳрамон тоққа чиқди. Чинорнинг ёнига келиб, семруғнинг уясига кўз солди. Қараса, семруғ болалари аждарнинг келишидан қўрқиб, йиғлашиб турипти. Қаҳрамон атрофни қараб чиқди, ҳали аждардан дарак йўқ. Қаҳрамон, „ҳой-ноҳой аждар яқинда келса керак“, деб чинорнинг яқинидан бир чоҳ қазиб, ичига тушиб, аждарни пойлаб ётди.

Бир вақт узоқдан қуёшдаги дар'ёга ўхшаб ялтираб бир нарса пайдо бўлди. Ишқириб оғзидан ўтлар сочиб, яқинлашабошлади. Уни кўриб, семруғнинг болалари чирқиллашиб, қалтирашиб, безовта бўлабошладилар. Фар'ёд солиб оналарини йўқлай бошладилар.

Қаҳрамон фаҳмлаб билдики, аждар келаётипти.

Қаҳрамон ўқ-камонини тайёрлаб кутиб турди. Бир вақт аждар етиб келиб, чинорга тирмашиб чиқабошлади. Аждар семруғнинг болаларига яқинлашиб, энди ейман, деб қўлини чўзган пайтда, Қаҳрамон камондан кетма-кет икки ўқ узди. Икки ўқ ғизиллаб бориб аждарнинг икки қўлидан

тешиб ўтиб, чинорга қадалди. Аждарнинг қўллари чинор-
га михланиб қолди. Аждар оғзидан ўт сочиб, кейинги
тўрт оёғи блан ҳаракат қилган эди, Қаҳрамон камондан
яна кетма-кет тўртта пўлат ўқни бўшатиб, оёғини ҳам
чинорга тақа-тақ михлаб ташлади. Шундан кейин ғазаб-
ланган аждар семруғ болаларини ўз дамига тортиб, оғзи-
ни очди. Қаҳрамон камондан устма-уст еттита пўлат ўқни
бўшатиб, аждарнинг бошини ҳам чинорга михлади. Мия-
сидан етти ўқ тешиб ўтган аждар семруғ болаларининг
қаршисида худди дарахтга кериб қўйилган мол териси-
дай бўлиб ўлиб қолди.

Семруғ болалари аждарнинг бундай ҳолга тушганига
ҳайрон бўлишиб, „бизга бундай яхшилик қилган ким
экан?“ деб уяларидан бошларини чўзиб қарасалар, бир
одамзод камонини бўйнига илаёттипти. Семруғ болалари:
аждарни ўлдириб, бизни ўлимдан қутқарган шу одамзод
бўлса керак, деб Қаҳрамонни ўз ёнларига чақирдилар.
Қаҳрамон семруғ болаларининг олдига чиқди. Семруғ бо-
лалари Қаҳрамоннинг мардлигига қойил қолиб: „Эй одам-
зод, аждарни ўлдириб бизни ўлимдан қутқоришдан мақ-
садинг нима?“ деб сўрашдилар. Қаҳрамон семруғ болала-
рига ўз бошидан ўтган воқиаларни бирма-бир айтиб бер-
ди. Кейин: „Менинг сизларга қилган бу яхшилигим учун
семруғ мени етти зулматдан ўтказиб қўярмикан?“ деб
сўради.

Семруғнинг болалари: „Албатта ўтказиб қўяди. Агар
онамиз унамаса, биз ўзимиз биринчи марта қанот чиқа-
риб учганимизда сени ўтказиб қўямиз“, деб жавоб бер-
дилар. Шундай қилиб, маслаҳатни бир ерга қўйишиб, сем-
руғнинг келар вақтини пойлаб ётдилар.

Бир кун ҳаво булут бўлиб, бўрон туриб, чақмоқ ча-
қиб, жала қуйиб, ҳамма ёқ тўс-тўполон бўлди. Қаҳрамон:
„бу нима гап“, деб сўради. Семруғ болалари: „Қўрқма,
нафасидан бўрон қўзғалиб, оҳидан чақмоқ чақилиб, кўз
ёшидан жала қуйилиб онамиз келаёттипти“, деб жавоб бер-
дилар. Кейин: „Онамиз ёнимизда одамзод турганини кўриб,

бирдан дарғазаб бўлмасин“, деб Қаҳрамонни қанотларининг остига яшириб қўйдилар.

Бир вақт семруғ етиб келди. Қарасаки, болалари тирик, аждар ўлиб ётипти. Бу аҳволни кўриб, семруғ жуда хурсанд бўлиб кетди. Кейин болаларидан: „Аждарни ким ўлдирди?“ деб сўради. Болалари: „Бир қошиқ қонидан кечсанг айтамиз“, дедилар. Семруғ: „Кечдим, айтинглар“, деди. Семруғнинг болалари қанотлари остидан Қаҳрамонни чиқардилар: „Аждарни ўлдириб, бизни ўлимдан қутқарган қаҳрамон мана“, деб оналарига кўрсатдилар. Қаҳрамон қаршисидаги наҳ қанотлари юзгаз, оёқлари қирқгаз, бўйи ўнгаз баҳайбат қушни кўриб, бирдан кайфи учиб кетди. Семруғ: „Қўрқма, болаларимга қилган яхшилигинг учун раҳмат сенга, тила тилагингни“, деди Қаҳрамонга. Қаҳрамон: „Мени етти зулматдан ўтказиб қўй“, деб сўради. Семруғ: „Жуда қийин бир ишни сўрадинг, хайр майли, шу икки боламни ўлимдан қутқарганинг учун сени етти зулматдан ўтказиб қўяман. Бўлмаса энди сен икки ойга етарлик овқат ва сув тайёрла, етти кундан кейин йўлга тушамиз“, деди. Қаҳрамон етти кун ичида икки ойлик озиқ-овқат ва сув ҳозирлаб, семруғнинг олдига олиб келди. Уларни семруғнинг устига ортиди. Семруғ болалари билан хайрлашиб, устига Қаҳрамонни миндириб, Кавс шаҳрига қараб учди.

Бир маҳал семруғ Қаҳрамонни зулмат ичига олиб кириб кетди. Қаҳрамон икки ой ичида бир мартаба ҳам ёруғлик кўрмади. Пастга қараса сув, осмонга қараса зулмат. Қаҳрамон йўл-йўлакай семруғга ўнг ёнига қараса овқат, чап ёнига қараса сув бериб борди. Овқат-сув энди тугай деганда ёруғлиққа чиқдилар. Қаҳрамон пастга қараса катта бир шаҳар кўринди. Семруғ: „Ана Кавс шаҳрига етдик“, деб пастга тушиб, шаҳардан ташқарироқ бир ерга қўнди.

Бир вақт Қаҳрамон қараса, шаҳарнинг ери тупроқ эмас, ҳаммаси пўлатдан. Бу шаҳарнинг сиррини билмаган одам юраолмас эди. Негаки, Аквон дев бу ерга қочиб келгандан

кейин, Қахрамон ҳой-ноҳой излаб келиб, мени қўймайди деб, шаҳарнинг атрофини пўлат сим блан ўраб қўйган эди. Яна симнинг бир—бир ярим газ жойларига тегиб кетилса, ўз-ўзидан овоз чиқазадиган, жонсиз хўрозга ўхшаш тилсимлар қилиб қўйган эди. Бу тилсимларга кимда-ким тегиб кетса, улар дарров овоз чиқариб, Аквон девни огоҳлантирар эди.

Қахрамон семруғнинг устидан тушиб, шаҳарга яқинлашиб келди. Бир вақт билмасдан симга тегиб кетди. Бирдан симлардан овоз кўтарилиб, шаҳар ичидан катта-катта барзанги девлар чиқиб, Қахрамонга ҳамла қила бошладилар. Қахрамон ҳам қўлига қиличини олиб, жангга киришиб кетди.

Семруғ қараса, Қахрамоннинг ёлғиз ўзи мингтача дев блан жанг қилаётинпти. Семруғ „Қахрамон ёлғиз, девлар кўп, агар Қахрамонга ёрдам бермасам, девлар кўплик қилиб кетар“, деб тездан тоққа учиб борди. Тоғдан катта-катта тошларни кўчириб келиб, девларнинг устига ёғдирабошлади. Девларнинг кўпи шу замониёқ тил тортмай ўливорди. Тирик қолганлари тумтарақай бўлиб, ҳар томонга қочдилар. Қахрамон бўлса девларни тутдай тўкди. Бир вақт қараса, буларнинг ичида Аквон дев йўқ. Қахрамон девларнинг қонидан кечиб юриб, Аквон девни қидирабошлади. Охири уни бир ғорда бир тўда девлар блан ичкилик ичиб базм қилиб ўтирган ҳолда топди. Аквон дев ноилож Қахрамон блан жангга тушди. Иккаласи қирқ кечаю-қирқ кундуз дам олмай жанг қилишди, охири Қахрамон Аквоннинг тинкасини қурутиб туриб, калласини қилич блан шартта кесиб, катта бир қанорга солиб олди. Кейин қанорни орқалаганича семруғнинг олдига етиб келди. Семруғ яна Қахрамонни орқасига миндириб, осмонга кўтарилди. Яна етти зулматдан ўтиб, Сурх шаҳрига келиб қўнди. Қахрамон семрукқа кўп раҳматлар айтиб, хайрлашиб, Аквоннинг калласи солинган қанорни орқалаб, шаҳарнинг ичига кириб кетди. Семруғ бўлса болаларининг олдига қайтиб кетди.

Қаҳрамон тўғри Забун шоҳнинг саройига йўл олди. Қаҳрамон Аквон девни ўлдириб, бошини олиб келипти, деган гап бир пастда бутун шаҳарга тарқалиб кетди. Бу гап ҳаш-паш демай Зубайда Зулфиқора ва Забун шоҳнинг қулоғига ҳам бориб етди. Шундан кейин Зубайда Зулфиқора ўз канизаклари блан, Забун шоҳ ўз вазир-вузаролари блан катта тантаналар қилиб, Қаҳрамонни кутиб олдилар.

Қаҳрамон бирнеча кун саройда дам олди. Кейин Забун шоҳ қирқ кечаю-қирқ кундуз тўю-тамошо қилиб, Зубайда Зулфиқорани Қаҳрамонга никоҳлаб берди.

Тўйга Забун шоҳ Тинч шоҳни ва унинг полвонларини ҳам чақирган эди. Забун шоҳ тўйнинг охриги кунда, ҳамма Қаҳрамоннинг ботирлигига қойил қолсин деб, девнинг калласи солинган қанорни катта аравага юклаб, тўғри Тинч шоҳнинг номдор полвонлари базм қилиб ўтирган саройнинг эшигига олиб келиб тўхтатди. Тинч шоҳга қараб: „Дўстим Тинч шоҳ, мен сизга бир ҳад'я келтирдим, аммо ўзи жуда огир, битта энг номдор полвонингизга буйринг, даст кўтариб аравадан туширсин, ким бу қанорни ерга туширса, бошдан-оёқ сарпо бераман“, деди. Тинч шоҳ ўз полвонларига қараб: „Қайси азамат аравадаги қанорни ерга туширади“, деб сўради. Жуда кўп полвонлар бориб қанорни қўзғаталмай, ма'ракадан чиқдилар. Охири Тинч шоҳнинг Шамсун деган энг кучли полвони ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлди. „Ҳад'яни аравадан тушириб сарпо оламан“, деган умид блан ҳаракат қилиб, қанорни зўрға кўтариб, бир илож қилиб ерга қўйди. Ҳамма унга қойил қолди.

Забун шоҳ Шамсунга қараб: „Баракалла, чиндан ҳам полвон экансан, шу полвонлигинг учун ҳад'яни сенга бердим, ичини очиб олақол“, деди. Шамсун, „ҳой-ноҳой бу қанорнинг ичида катта гавҳар тош бўлса керак“, деб ҳовлиқиб, ҳад'яни олмоққа шошилиб, қанорнинг оғзини очди. Қанорнинг ичидаги „ҳад'я“ ни кўриб, шу замониёк ҳушидан кетиб, ерга йиқилди.

Бу аҳволни кўриб ҳамма ҳайрон бўлди. Кейин бошқа полвонлар, „қанорда нима бало бор экан“, дейшиб, бирмабир келиб қарайбошладилар. Ҳаммаси ҳам Аквон девнинг баҳайбат калласини кўриб, қўрқиб, ҳушдан айрилиб, ерга йиқилабердилар.

Охири Тинч шоҳ ҳайрон бўлиб, „қанорни ичида нима бало бор эди, нега менинг донгдор полвонларим ҳушдан айрилиб, йиқилаёттиптилар“, деб Забун шоҳдан сўради. Забун шоҳ кулиб: „Бу Қаҳрамоннинг атайлаб етти зулмат дар'ёсининг нари ёғидан семрукқа ортиб олиб келган ҳад'яси эди. Полвонларингизнинг ҳечбирига насиб бўлмади. Келинг, энди ўзингиз олиб қўяқолинг“, деб ҳазиллашди.

Тинч шоҳ ҳам бориб, қанорнинг ичини очиб кўрган эди, сал қолдики, ҳушидан кетиб йиқилса. Забун шоҳ дарров унинг юзига сув сепиб, зўрға ўзига келтирди. Тинч шоҳ: „Бу қандай балонинг калласи эди“, деб сўради. Забун шоҳ: „Бу калла шахримни ва мени нотинч қилган, полвонларимни ўлдирган Аквон девнинг калласи“, деб жавоб берди. Тинч шоҳ: „Бу каллани танасидан ким жудо қилди?“ деб сўради. Забун шоҳ: „Менинг куёвим, сизнинг кенжа паҳлавонингиз Қаҳрамон“, деб жавоб берди. Кейин Қаҳрамоннинг қилган ботирлигига, қилган мардлигига ҳамма қойил қолди. Кейин Забун шоҳ ўз тахтини Қаҳрамонга берди. Тинч шоҳ хотиржам бўлиб, полвонлари блан ўз шахрига жўнади.

Қаҳрамон хотини Зубайда Зулфиқора блан узоқ йиллар яшаб, умрини тинчлик ва роҳатда ўтказиб, муроду-мақсадига етди.

ҚИЛИЧ БОТИР

Қилич ботир деган полвон бор экан. Бу полвон сафарга чиқмоқчи бўлган экан. Йўл юрса ҳам мўл юриб, бир жойга борса, йўлда бир одам турипти. Бу одам:—Қаерга борасан? — деб сўрайди.

— Ҳа, мен Оқбилак ойим олдига бораман. Сен ўзинг нима қилиб турибсан бу ерда? — деб Қилич ботир сўради. Йўлни тўсиб турган киши бўзчи эди. Бўзчи айтди: — Шу томондан бир Қилич ботир деган чиққан экан, шу блан курашмоқликка чиқиб турибман.

Қилич ботир:—Кел бўлмаса, мен ҳам Қилич ботир блан бирга юрган эдим, мен блан бир бел ушлашиб қўйчи, — деди. Бўзчи:—Хўп бўлмаса, бир кураш олайик, — деб иккаласи курашабошлади. Кўп вақт ўтмади, Қилич ботир бўзчини кўтариб чунон урдики, у қўлтиғига ерга кириб кетди.

бўзчи:—Торт, мен сенинг қулинг бўлай, — деди. Қилич ботир турғизиб қўйди. Бўзчига икки дона найча берди. — Биридан қон келса беғам бўл, биридан зардоб келса тездан қанот бойлаб, менинг орқамдан учиб ет, — деб Қилич ботир йўлга тушди.

Яна узок йўлларни босгандан кейин, бир жойда яна бир киши рўпара келди. Бу киши темирчи эди. Бу одам сўради:—Ҳа, сенга йўл бўсин?

Қилич ботир:—Йўл бўлгай. Мен Оқбилак ойим олдига бормоқчиман. Ҳа, сен нима учун бу ерда турибсан?

Темирчи:—Қилич ботир деган бир киши келаётган эмиш, шу блан курашмоққа чиқиб турибман.

Қилич ботир:—Курашсанг, мен ҳам Қилич ботир блан бирга юрган эдим, мен блан курашиб кўр-чи,— деди.

Темирчи:—Кел бўлмаса, кураш олайик,—деб ушлашди. Шу ерда темирчини чунон йиқитдики, туролмай қолди. Темирчи ялинди. Қилич ботир турғизиб қўйди. Бунга ҳам икки дона найчани бериб:—Биридан қон, биридан зардоб келади. Қон келса беғам бўл, зардоб келса орқамдан учиб ет, битта эдинг, иккита бўлдинг, ўзим блан учта бўлдик,—деб жўнайбошлади.

Йўл юрса ҳам мўл юрди, бир қишлоққа етди. Бу қишлоқда бир сувчи бор эди. Бу ҳам йўлга чиқиб турган эди. Бу блан ҳам сўрашиб, иккиси курашди. Бунга ҳам Қилич ботир йиқитди. Бунга ҳам ҳалиги найчадан икки дона бериб:—Сен блан учта бўлди, ўзим блан тўртта бўлдик, тўртовимиз ҳам бир киши, шу найчанинг биридан қон келса беғам бўл, биридан зардоб келса, тездан етиб бор,—деб йўлга тушди.

Юриб-юриб саҳрода бир чўпонни кўрди. Шу чўпондан сўради:—Бу кимнинг қўйи?

Чўпон:—Бу қўйлар Оқбилак ойимнинг қўйлари.

Қилич ботир:—Ҳа, Оқбилак ойим қаерда экан? Сиз биласизми? Унга етиш йўли борми?

Чўпон:—Э полвон йигит, сизга ўхшаган кўп йигитлар ва шахзодалар келиб ололмай, ўзини нобуд қилиб кетди. Мана кўрдингизми, ана у кўринган қўрғон, сизга ўхшаганларнинг калласидан бўлган қўрғондир. Сиз қандай қилиб бораоласиз?

Қилич ботир ҳайрон бўлди. — Мен ҳам бораман, шунга нима қилиш керак?

Чўпон:—Сиз шундай қиласиз, бозорга бориб, бир хуржуннинг икки кўзида кишмиш оласиз. Оқбилак ойимнинг бир оти бор, у кишмиш ейди. Агарда Оқбилак ойимнинг олдига бирор киши келса, ҳалиги оти кишнаб юборади, Оқбилак ойим уйдан чиқиб, келган кишини қилич блан

уради, калласини олади. Энди сиз шунга бир ҳилла қиласиз: узоқ жойдан — ернинг тагидан кавлаб, худди от турган отхонанинг тагидан чиқасиз. Бир бордон оласиз. Ҳалиги кишмиш блан бирга бордонни олиб келиб, тешик оғзига келтириб қўясиз. Кечаси бўлганда, тешикдан чиқиб, бордонни тешик оғзига тортиб, ўзингизни бекитасиз, буни отга билдирмайсиз, агар от билса, сизни пачақ-пачақ қилиб юборади. Оқбилак ойим ухлаган вақтда дарров чиқиб, кишмишни отнинг охирига соласиз ва шу блан сиз уни оласиз, — деди.

Қилич ботир чўпоннинг айтган сўзларини қилди. Ерни кавлаб, етиб бориб, от охирининг олдидан чикди. Отга билдирмасдан, усталик блан бордонни чиқариб, тешик оғзига тортиб қўйди. Шунда от билиб қолди. Кишнаб юборди. Оқбилак ойим ётган еридан туриб, отнинг олди-га кирди:—Ҳа жонивор, нима сир бор, кишнаб қолдинг? —деб отнинг бошини силаб, уёқ-буёққа караб, ҳечбир шарпани билмай, қайтиб кириб ухлади. Уйқуга кетган вақтида, яна Қилич ботир кўринди. От яна кишнади. Оқбилак ойим яна уйғониб чикди. Қарайдики, ҳеч гап йўқ.

— Сен мунча кишнадинг, уйқумдан безовта қилдинг, — деб аччиғланиб, отни уриб-уриб кириб кетди. Яна ухлаб қолди. Шунда, Қилич ботир бирдан чиқиб, отга кишмиш солди. От кишмишни еб турди. Қилич ботир шошилмасдан, ўзини ростлаб олиб, уйга кирса, Оқбилак ойим ухлаб ётипти. Тезлик блан қирқ кокилига қирқта қозиқ қоқиб боғлаб қўйди. Оқбилак ойим уйғонса, тепасида бир йигит турипти.

— Нимага келдинг, нима қасдинг бор? Турсам, бекорга каллангни оламан, — деб ҳаракат қилди, туролмади. Қилич ботирга асир бўлди. Иккиси эру-хотин бўлишди.

Ойдан-ой, йилдан-йил ўтди. Қилич ботир ҳалиги отни миниб овга чиқиб, келиб юрди.

Оқбилак ойимга кўп пошшолар хушторлик блан еталмас эдилар. Бир қора пошшо бир хотинни юборди:—Қандай бўлмасин, шуни келтирсанг, бўйинг бараварида зар тў-

каман, — деб ва'да қилди. Хотин бир эшак олиб, йўлга тушди. Қилич ботирнинг овдан келадиган йўлига бориб, эшагининг оёғига тош блан уриб, синдириб қўйди, ўзи йиғлаб ётди. Шунда Қилич ботир овдан қайтиб, келиб қолди. Хотин бирдан йиғлаб:—Мени олиб кетинг, болам, мен бу чўлу-сахрода қийналдим, сизга чўрилиқ қилайин, — деб ялинди.

Қилич ботирнинг раҳми келиб, „эшик-элни шипириб-сидириб, сув-пув олиб келиб юрар-ку“ деб ўйлаб туриб, отига мингаштириб, уйига келди. Буни кўриб, Оқбилак ойим жуда ҳам аччиқланди:—Буни нимага келтирдингиз? Бу, бизнинг бошимизни ейди, — деди.

Қилич ботир:—Э, бунинг қўлидан нима келади, — деб қўйди. Шу блан кампир хизмат қилиб юраверди.

Бирнеча вақт ўтгандан кейин кампир, Оқбилак ойимдан:—Болам, сиз биласизми, ботирнинг жони қаердайкин? Буни ҳам билиб олишингиз керак-да, болам, — деди. Оқбилак ойим:—Мен буни қандай сўрайман? — деб жавоб берди.

—Кечқурун келганда орқа ўгириб ётсангиз айтади, — деди.

Кечқурун Қилич ботир овдан келди. Оқбилак ойим Қилич ботирнинг отига ҳам қарамади, жуда хафа киши бўлиб кўринди. Ётар вақтида тескари қараб ётди. Қилич ботир сўради:—Сиз нега хафа кўринасиз?

Оқбилак ойим айтди:—Мен сизнинг ҳечбир нишонангизни билмадим.

—Ҳа, қандай нишонамни? — деди Қилич ботир.

Оқбилак ойим сўради:—Сизнинг жонингиз қаерда туради?

Қилич ботир аччиқланди. Яна бўлмади. —Менинг жоним қиличимдир. Мен қиличсиз юролмайман, — деб жавоб берди. Шундан кейин Оқбилак ойим туриб, кампирга айтиб қўйди. Кампир:—Бўлмаса эрта блан овга кетишида олиб қўйинг-чи, қандай бўлар экан, — деди. Яна Оқбилак ойим келиб ўрнида ётди. Эрталаб туриши блан, Оқ-

билак ойим қиличини сўраб олиб қолди. Қилич ботир зўрға берди ва отланиб овға жўнади. Шу ерда кампир қиличини олиб, тош блан уриб букиб, сойга ташлади. Қилич ботир эса йўлда йиқилиб қолди. Шу вақтда кампир икки қулоқлик ёғоч от ясади, ўнг қулоғини бураса учади, чап қулоғини бураса тушади. Ёғоч отни ўзи миниб, уёқ-буёққа учириб, Оқбилак ойимнинг кўзига бир қизиқ ҳунар кўрсатди.

— Ойим, сиз ҳам келинг, мининг-чи, ажаб қизиқ бўлади, тамошо қилиб келасиз, — деб алдади. Оқбилак ойим ҳам минди. Шунда кампир, олдига миниб, орқасига Оқбилак ойимни миндириб, бирданига ёғоч отнинг қулоғини бураб, учириб кетди. Ҳаш-паш дегунча Қора пошшонинг шаҳарига кириб борди. Қора пошшога Оқбилак ойимни тақдим этди: — Мана, Оқбилак ойимни еткизиб келдим, — деб рўпара бўлганда, Қора пошшо кампирни тиллага кўмди. Тезликда қирқ кечаю-қирқ кундуз тўй-тамошо чақиртирди. Тўй бошланди.

Энди Қилич ботирнинг ҳалиги ошналаридан эшитинг.

Бирданига ҳалиги бўзчи, темирчи, сувчининг найчаларидан зардоб келабошлади. Булар тезлик блан Қилич ботирнинг ҳолидан хабар олгани келдилар. Қилич ботирнинг эшиги олдига келиб қарасалар, бу ерда бир дар'ё оқади. Бўзчи сувчига буюрди: — Сен сувни бўғ. Сувчи сувни бўғди. Сойга тушиб қараса, ботирнинг қиличи ётипти. Олиб темирчига берди: — Тезда сен буни пешла, — деди. Темирчи пешлади. Қилич ботир ўз ҳолига келди. Уйига келиб қараса, Оқбилак ойим йўқ. Кўрса, ҳалиги ўртоқлари шу ерда.

— Бу нима сир? Оқбилак ойим қўлдан кетипти-ку, — деб ҳайрон бўлди.

Бўзчи йўл бошлаб, темирчи блан сувчини эргаштириб, Қора пошшонинг шаҳарига киришди, уччаласи пошшонинг равоғи тагидан ўтаверди. Қарадиларки, жуда тўполон, бирон ҳодиса бўлгандай.

Сувчи сўради: — Бу ерда нима сир бор, мунча тўполон бўлиб турипти?

Қора пошшонинг бир хизматкори айтди: — Бу ерда тўй бўлаётипти.

Сувчи сўради: — Қандай тўй?

Ҳалиги хизматкор: — Оқбилак ойимни Қора пошшо олмоқчи, — деди.

Қилич ботирнинг олдига етиб келдилар, бу сирларни баён қилдилар. Шу ерда тўрт киши бўлиб, яна Қора пошшонинг шаҳарига жўнадилар. Тўйга бир кам қирқ кун деганда етиб бордилар.

Қилич ботир пошшонинг шаҳарига кириб, бирданига Қора пошшога қарши уруш бошлади. Қора пошшони асир этди.

Бўзчини шу ерга пошшо қилди, унинг ёнига сувчини вазир қилиб қўйди. Темирчини бошлаб, Оқбилак ойимни отга миндириб, қайтиб жўнади. Дар'ё бўйидаги Оқбилак ойимнинг жойига келди. Шу ерда темирчи ҳам бирга туриб, учови бирга яшади.

ДОНИШМАНД ЧЎПОН

Ўтган замонларда бир подшо бор эди. У подшо ҳамма нарсадан ҳам отни яхши кўрар эди.

Кунлардан биркуни подшо отхонага бориб кўрдик, отлари анча ориқлаган. Подшо дарҳол отбоқарни чақириб: „Нима учун отлар ориқлаган?“ деб сўради. Отбоқар подшонинг ғазабидан қўрқиб бирдан: „Эй жаноби олийлари, отларингиз бирнеча кундан буён томоқ емасдан, зўр бериб кишнайдилар. Мен ўйлайманки, шу шаҳардан нарроқда ўзга отлар бўлса керак. Шу отларнинг овозига отларингиз томоқ емасдан қўйган бўлсалар керак“, деди.

Подшо ўнг қўл вазирини ўз ёнига чарлаб дедик: „Эй доно вазир, навкарларинг блан чиқиб, шаҳар ташқарисидаги ўзга отларнинг овозини чиқармайдиган қил, токи улар кишнаб, менинг отларимнинг тинчликларини бузмасин“, деди. Вазир та'зим қилиб, подшога қараб дедик: „Эй подшоҳим, фармонлари бекаму-кўст ўз ерига қарор топкай“. Кейин, вазир ёнига навкарларини олиб, ўзга отларни қидириб топиш учун шаҳардан чиқиб кетди. Юриб-юриб, шаҳардан 20—30 чақирим нарида бўлган бир тоққа етди ва тоққа чиқиб кўрдиким, бир чўпон бирқанча йилқини ўтлоққа қўйиб юбориб, ўзи катта ҳарсанг тошнинг устида бахазур чўзилиб ётипти.

Вазир шитоб блан, от ўйнатиб, чўпоннинг олдига етиб борди, унга қараб бақирди.

— Эй аҳмоқ чўпон, йилқиларингни ўтлоққа қўйиб юбо-

риб, унинг устига уларнинг кишнашига маст бўлиб, бу ерда бахазур чўзилиб ётишингни қара-я. Шаҳарда бўлса отларингнинг кишнаган овозини эшитиб, подшонинг арғумоқ отлари чўп емасдан, озиб кетаётпти. Ман санга буюраман, тездан отларингнинг оғзини бойлаб қўй. Агарда буйруғимни ерига еткизишдан бўйин товласанг, ўзингни жаллодга топшираман.

Чўпон ҳайрон бўлди. Лекин ноилож вазирнинг айтганларини ери 1 еткизмоққа мажбур бўлди. Йилқиларнинг оғзини латталар блан бойлаб, ўзи қандай қилиб отларини бу фалокатдан қутқозиш йўлини ўйлаб кетди.

Охири чўпон бир қарорга келиб, яйловда юрган катта туяни ва соқоли икки қариш келадиган такани ушлаб келди. Отасидан қолган эски камон, ўқлар бор эди, уларни ҳам олиб, шаҳарга қараб равона бўлди.

Шаҳар қал'асидан ичкарига кирди. Шаҳарнинг катта расталарида ноғора чалиб ўтирганларга қараб камонидан ўқ отиб, бир хилларини ўлдириб, бир хилларини ярадор қилиб кетаберди.

Шаҳар халқи чўпоннинг бу ишидан ташвишга тушиб, подшо ўрдасига бориб, чўпоннинг устидан арз қилдилар. Подшо уларнинг сўзини эшитиб, ёнида ўтирган вазирга буюрди:

— Тездан бориб шаҳар ноғорачиларини қираётган чўпонни ушлаб, менинг олдимга келтир.

Вазир ёнига навкарларини олиб, тезлик блан шаҳар бозорига қараб кетди. Бориб кўрдикки, ҳақиқатан ҳам туяга минган, олдида соқоли узун такани ўнгариб олган бир чўпон, қўлидаги камони блан ҳа деб, дуч келган ноғорачиларни отиб ўлдириб, ба'зи бирларини ярадор қилиб кетаётпти.

Вазир навкарларига қараб:

— Ушланглар бу қотилни,—деб буюрди.

Навкарлар бориб, чўпонни туядан тушириб, қўлини орқасига бойлаб, туяси блан такасини ҳам етаклаб, подшо ҳузурига олиб бордилар.

Подшо чўпондан савол қилди:

— Сан кимсан? Ва нима учун шаҳар ноғорачиларини бесабаб ўлдирасан?

Чўпон жавоб берди:

— Мен шаҳарнинг ташқарисидаги тоғ халқидан келган элчиман.

Подшо чўпоннинг элчилигига ишонмай, унинг устидаги эски чопонига ва оёғидаги йиртиқ чориғига қараб деди:

— Сандан бошқа тузукроқ одам қуриб қолганмиди элчилик қилишга!

Чўпон ҳайрон бўлиб, подшодан сўради:

— Сизга қанақанги тузукроқ одам керак? Ман ҳам оёқ-қўлли одамман-ку!

Подшо ғазабланиб:

— Ман сандан кийими янгироқ, бўйи баландроқ, соқоли узунроқ одам йўқмиди, деб сўрайман,—деди.

Чўпон жавоб берди:

— Агар сизга бўйи баландроқ ва кийими янгироқ нарса керак бўлса, мана, менинг туям: яқинда тулаган, кийими янги, бўйи баланд. Агарда сизга соқоли узунроғи керак бўлса, мана такам: соқоли нақ икки қариш келади. Ёки сизга ақиллироқ одам керак бўлса, мана мен ўзим, ҳарқанча саволингиз бўлса бераверинг.

Подшо чўпоннинг ма'ноли жавобларидан та'сирланиб, ўйланиб қолди, охири чўпондан сўради:

— Хўб бўлмаса, сан элчи экансан, ахир нима учун шаҳар ноғорачиларини ўлдирдинг?

— Ман шунинг учун шаҳар ноғорачиларини ўлдирдимки, бу ноғорачилар қолган ноғораларининг овозига бизнинг яйловдаги йилқилар ҳуркиб, ҳечбир жойда тек турмай қўйдилар. Ноғорачиларнинг овозини ўчирсам, зора йилқилар тек турсалар, деб ўйладим,—деди чўпон.

Подшо чўпоннинг жавобидан кулди:

— Ҳеч маҳалда ақлга тўғри келадими, шаҳардан 20—30 чақирим узоқда бўлган отлар, шаҳардаги ноғоранинг овозидан ҳуркиб, бир ерда тек турмаса,—деди.

Чўпон ҳам подшодан сўради:

—Ҳеч маҳалда ақлга тўғри келадимики, шаҳардан 20—30 чақирим нарида бўлган отларнинг овозини эшитиб, шаҳар ичидаги отлар, томоқ емасдан ориқласа?

Шу ерда подшонинг эсига шаҳар ташқарисида бўлган отларнинг овозини ўчир, деб вазирига берган буйруғи тушиб хижолат тортди. Ҳамда бу донишманд чўпонга сўз билан бас келаолмаслигини билиб, чўпонга қараб:

— Тила тилагингни,—деди.

Чўпон:

—Агар малол келмаса, манга шу шаҳардан беш ҳўкиз терисидек ер берсангиз,—деди.

Подшо, чўпоннинг бу талабини назарга илмасдан, муншисига қараб деди:

— Чўпоннинг номига васиқа қилиб бер, ман унга шаҳримдан беш ҳўкизнинг терисича ерни ин'ом қилдим.

Мунши васиқани тайёрлаб, подшодан муҳр бостириб чўпонга топширди. Чўпон васиқани олиб, ўз жойига қайтди.

Чўпон уйига бориб, ўзига ўхшаган уч-тўртта камбағал чўпонни йиғиб, уларга бўлган воқияни батафсил айтиб берди. Кейин:

—Энди ман бир иш қилайки, номим дун'ёда қолсин,—деди.

Ўртоқлари ундан:

—Қандай иш қилмоқчисан?—деб сўради.

Чўпон уларга жавоб бериб:

— Энди ҳаммамиз бир бўлиб, бешта ҳўкиз топишимиз керак. Кейин ман сизларга қиладиган ишимни айтиб бераман,—деди.

Чўпонлар ҳам унинг сўзига рози бўлишиб, биттадан ҳўкиз олиб келдилар, чўпоннинг ўзи ҳам битта ҳўкиз топди. Ҳаммаси бўлиб бешта ҳўкиз йиғилди, бешовини ҳам сўйиб, териларини шилиб олиб, каноп ип йўғонлигида тасма қилиб қирқабошладилар. Тасмалар тайёр бўлгандан кейин уларни ва бирқанча қозиқчаларни олиб,

шаҳар қал'асига етиб боришди ва қал'ани айлантира қозикларни қоқиб, уларга тасмаларни боғлаб чиқдилар. Беш ҳўкизнинг терисидан бўлган тасмалар шаҳарни айлантариб чиқишга еттию, турди.

Чўпон бу ишларни битириб бўлгандан кейин, подшо берган васиқани қўлига олиб, тўғри подшонинг ўрдасига борди. Подшога та'зим қилиб:

—Эй улуғ подшо, ўз фармонингиздан қайтмайсизми?—деб сўради.

Подшо:

— Агар муҳрим босилган бўлса, албатта, қайтмайман,—деди.

Чўпон қўлидаги васиқани подшога кўрсатиб:

— Бўлмаса, мана шу васиқага биноан, бу шаҳар бутун халқи ва ери блан ва хазинаю-дафиналари блан менга ўтди,—деди.

Подшо ҳайрон бўлди:

— Жинни-минни бўлдингми, қайси асосга биноан бу сўзларни валдираб ётибсан,—деди.

Чўпон жавоб бериб:

— Менинг асосларимни ўз кўзингиз блан кўришни истасангиз, юринг ман блан шаҳарнинг ташқарисига чиқамиз,—деди.

Подшо чўпоннинг сўзини қабул қилиб, бутун амалдорлари, вазирлари блан шаҳар қал'асининг ташқарисига чиқди ва кўрдик, шаҳар қал'аси бўйлаб ҳар ерга қозиклар қоқилган ва у қозикларга тери тасмалар тортилган.

Подшо ҳечнарсани фаҳмламай, чўпондан:

— Қани асосинг, кўрсат,—деди.

Чўпон подшони бошлаб, бутун шаҳар қал'асини айлантирабошлади ва ҳамма ерда ҳам қоқилган қозикларга бойланган тери тасмаларни кўрсатиб борди. Шу аҳволда шаҳарни тамом айланиб чиққанларидан кейин, чўпон ўртоқларига ҳамма тери тасмаларни йиғиштириб чиқишни буюрди. Тери тасмалар йиғиштирилиб бўлгандан кейин, ҳар ҳўкиз терисини бошқа-бошқа қилиб ажратиб, тери-

ларни қайтадан бутунлаб, аввалги ҳолига келтириб подшога кўрсатди:

— Мана, атиги беш ҳўкизнинг териси, ҳалиги шаҳарни айлантриб ўраб чиққан тери тасмалар шулардан эди, беш терилик жой беринг, дедим, бердингиз. Мана васиқа, мана асос,—деди.

Подшо, донишманд чўпоннинг ақлига қойил қолиб, ўзи берган васиқани қайтариб олишга амалдорлар олдида юзи чидамай, чўпонга қараб ноилож:

— Бор, шу шаҳарни санга бердим,—деб ўзи ёлғиз ҳайё-ҳув деб чўлга чиқиб кетди.

Вазирлар дарров ўша ердаёқ чўпоннинг бошига тож кийгизиб, уни оқ наमतга солиб шоҳ кўтариб, карнаюсурнайлар чалдириб, чўпонни подшо ўрдасига олиб жўнадилар.

Шундай чўпон ўзининг донишмандлиги орқасида шаҳарга подшо бўлди ва унга ёрдамлашган тўрт чўпонни ярамас золим амалдорларнинг ўрнига амалдор қилиб ва бегуноҳ зиндонда ётган камбағалларни озод қилиб, ўзи одиллик блан юрт сўраб, бирнеча йил умр ўтказиб, болачақа кўриб, муроду-мақсадига етди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Қаҳрамон	5
Қилч ботир	18
Донишманд чўпон	24

Мас'ул муҳаррир *А. К. Боровков*

Р. 7400. Босишга ижзаг берилди 9/ВП—1942. Тиражи 12.000. Уч.-авт. листи 1,32. Босма листи 1,0. Бир босма листда 59550 ҳарф.
Баҳоси 70 т.

Тошкент—1942. ЎзФАН Нашриёти босмахонаси. Заказ № 295.

EB_1942_AKS_749

